O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2005-yil • 28-iyul • Payshanba • 91 (27.426) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

**УзХДП УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ, СИЗНИНГ ПОЗИЦИЯНГИЗ ҚАНДАЙ?**

## ЯНГИЧА ЁНДОШУВ, ЎЗГАЧА МАСЪУЛИЯТ

ЎзХДП Қашқадарё вилояти партия фаоллари йиғилишида одатдагидек маърузабозлик бўлмади, аксинча кенг фикр алмашинилди. Аниқ вазифалар белгилаб олинди

**ХДП вилоят кенгаши раиси Олим РАВШАНОВ** шундай деди:

— Партиямиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар кўпчиликка маълум. Янги Дастур қабул қилинди. Очиғи, энди эскича ишлаш мумкин эмас. Ҳақиқатни яширмайлик. Айрим партия аъзолари ташкилотдан бутунлай узилиб қолишган. Энди бунга тоқат қилиб бўлмайди. Вилоят ташкилоти ҳисобида 45 минг аъзо бор. Уларни қайта рўйхатдан ўтказишда сафимиз бироз камайиши мумкин. Бироқ эътиқодли, партиямизнинг олий мақсад ва ғоялари учун курашадиганлар кўпаяди.

**М.НОРМУРОДОВ, Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти ректори, Сенат аъзоси:**

— Партияларни молиялаштириш бўйича қабул қилинган қонун партияларни янада фаолроқ бўлишга шарт-шароит яратди. Мен партиямиз ўз олдига катта мақсадларни қўяётгани, аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилишга интилаётганини тўла қўллаб-қувватлайман. Ўзини мамлакатимиздаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти, деб эълон қилган партиямиз биз мухолифатдамиз деган фикрни илгари сураяпти. Бу қуруқ гап билан амалга ошмайди. Вилоятдаги илғор фикрли кишилар, айниқса ёшларни кўпроқ сафимизга тортишимиз керак. Бўлажак сайловларга бугундан тайёргарликни бошлаш, одамлар ишончини қозониш лозим.

**М.ОСТОНОВ, ХДП Шаҳрисабз туман кенгаши раиси:**

— Мен партиямизнинг фермерларни қўллаб-қувватлаётгани, уларга кредит ажратишни енгиллаштириш бўйича таклифлар билан чиқаётганига тўлиқ қўшиламан. Чунки аҳолининг асосий қисми қишлоқларда яшайди. Ишсиз қолганларга аниқ ёрдам ва иш ўринлари керак. Яна бир гап. Партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва партия билетларини алмаштириш анча қийин кечадиган жараён. Лекин жуда муҳим.

*Йиғилишда сўзга чиққанлардан ХДП Китоб туман кенгаши раиси С.Қурбонов, Қарши шаҳар Кенгаши депутати О.Умиров, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қарши шаҳар бўлими раиси Н.Раимқулов, вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Я.Иноятов ва бошқалар партиянинг янги Дастури ва ундан ўрин олган ижтимоий мақсадларни амалга оширишга оид долзарб вазифалар юзасидан ўзларининг фикр-таклифларини баён этишди.*

*Йиғилишда ЎзХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Насимқул Каримов иштирок этиб, партия олдида турган долзарб вазифалар, муҳим ҳаётий, сиёсий масалалар хусусида тўхталиб ўтди.*

*Шу куни партия шаҳар ва туман кенгашлари раҳбарлари учун амалий семинар ҳам ўтказилди.*

**Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## ХАЛҚНИ БУНЁДКОРЛИК УЛУҒЛАЙДИ

**Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон мустақиллигининг 14 йиллиги нишонланадиган санага саноқли кунлар қолди. Истиқлол айёми арафасида мамлакатимизда янги иншоотлар, замонавий кўприклар, равон йўллар, муҳташам иморатларни ишга тушириш яхши анъанага айланган.**

**Бу йил ҳам пойтахтимиз Тошкентда қурилиш-таъмирлаш, ободончилик ишлари авжида. Шундай кенг кўламли қурилиш ишлари Чорсу ва унга туташ Эски Жўва майдонида жадал давом этмоқда.**

**Эски Жўванинг Сағбон, Зарқайнар ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган жойида икки бино — Болалар бадиий ижодиёти уйи ва Ўзбек либослари галереяси қад ростламоқда.**

**27 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу ерда бўлиб, амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишди.**

Болалар бадиий ижодиёти уйининг қурилиши жорий йилнинг 1 июнида бошланган. Президент уч қаватли ушбу бинодан жой оладиган эстрада-вокал студияси, киностудия, компьютер синфи, бадиий кашта ва зардўзлик тўгараги, миниатюра тўгараги, тасвирий санъат студияси, кутубхона ва мажлислар зали учун мўлжалланган хоналарни кўздан кечирди.

Бинонинг томидан томоша майдончаси ўрин олади. Бу ердан шаҳарнинг кафтдагидек яққол кўриниб туриши ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларига ҳайрат ва қувонч бағишлаши табиий.

— Бу жой Тошкентнинг қоқ марказидир, — деди Ислом Каримов. — Томоша майдончасининг тўрт томонига байроқлар ўрнатиш лозим. Бундан мақсад бу ерга томошага кўтарилган ҳар бир одам ўзини наинки пойтахтимиз, балки мамлакатимизнинг марказида турганини ҳис этсин.

Давлатимиз раҳбари меъмор ва қурувчиларга бинони безашда аждодларимизнинг қадимий анъаналарига таяниб иш тутиш, хусусан, унинг гумбаз ва пештоқларини Амир Темур мақбараси ҳамда Тиллакори мадрасасининг меъморий ечимидан келиб чиққан ҳолда такомилига етказиш юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берди.

Президентимиз шуни таъкидладики, қурилиш ишларида, аввало, шу яқин-атрофда истиқомат қиладиган кишиларнинг, бунёдкорлик ишларини катта қизиқиш ва эътибор билан кузатиб келаётган, ўзларини ана шу ўзгаришларга дахлдор деб биладиган одамларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, биринчи навбатда, ҳамюртларимизнинг ҳаётини яхшилаш, кайфиятини кўтариш, уларда ўз юрти учун ғурур ва ифтихор, ўз кучига ишонч туйғуларини юксалтиришдек улуғ мақсадларга қаратилгандир.

Мамлакатимиз раҳбари Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳудудида жойлашган «Наврўз» саҳна мажмуида амалга оширилаётган реконструкция ишларини ҳам кўздан кечирди. Ушбу мажмуа улкан саҳна, металл конструкцияли минбар ва қарийб 10 минг томошабинга мўлжалланган ўриндиқлар, ёритиш минораларидан иборат.

Ислом Каримов ушбу саҳна санъаткорларнинг чиқишлари учун қулай бўлиши, уни ёғин-сочин мавсумида авайлаб-асраш юзасидан амалий тавсиялар берди.

Президентимиз Бешёғоч майдонида амалга оширилаётган ишлар кўлами ва сифати билан ҳам қизиқди. Бу ерга аввалги ташрифи чоғида мутасаддиларга берган кўрсатма ва топшириқларининг ижросини таҳлил этди.

— Яқинда кўлга сув тўлдирилади ва ҳамшаҳарларимиз, айниқса, фарзандларимиз бемалол ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит муҳайё этилади, — деди Юртбошимиз бу ердаги ободонлаштириш ишлари юзасидан тавсиялар берар экан.

Давлатимиз раҳбари кўздан кечирган янги иншоотларнинг аксарияти Мустақиллик байрами арафасида қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилади. Лекин кўчат ва ниҳоллар ўтқазиш, кўкаламзорлаштириш юмушлари кейин ҳам давом этади. Президентимиз уқтирганидек, ҳар ишнинг ўз вақти ва мавриди бор.

Шунга эришиш керакки, эл-юрт манфаати йўлидаги бунёдкорлик ишларига дахлдор ҳар бир мутахассис, буюртмачи, пудратчи, қурувчи жонажон пойтахтимизнинг янада чирой очиши ва обод бўлиши учун ўз ҳиссасини қўшгани билан фахрлана олсин.

Мустақиллик майдони — Ватанимиз юраги. Бу муқаддас масканни зиёрат этиш юртдошларимиз ва мамлакатимиз меҳмонлари учун чуқур рамзий маънога эга. Зотан, халқимиз, миллатимизнинг асрий орзу-армони рўёбга чиқди — истиқлолга эришдик. Эндиликда озод Ўзбекистоннинг қоқ марказида янгиланган, мутлақо ўзгача қиёфа касб этган Мустақиллик майдони бутун кўрку салобати билан намоён бўлиб турибди.

Майдонга кираверишда Президентимизнинг яна бир ҳаётбахш ғояси рўёби бўлмиш Эзгулик аркаси бунёд этилаётир. Турмуш қураётган келин-куёвлар ўн олтита оппоқ мармар устунларни туташтириб турган мана шу дарвоза остонасидан ҳатлаб, Мустақиллик майдонига қадам қўядилар. Шоҳона дарвоза тепасидан сайёрамиз тасвири узра парвозга шайланган жуфт-жуфт турналар, халқимизнинг қалбидек, орзуларидек оппоқ лайлаклар жой олади.

— Эзгулик аркаси ватандошларимиз учун азиз ва муқаддас тимсолга айланишига ишонаман, — деди пировардида Ислом Каримов. — Зеро, ҳар бир қалб эзгуликка интилиб яшайди. Дунёда яхши ният, орзу-истакларсиз одамнинг ўзи йўқ. Истардимки, шу дарвоза остонасидан ўтадиган ҳар бир юртдошимизнинг қалби шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғулари билан тўлсин. Аслида, барча бунёдкорлик ишларидан кўзлаган мақсадимиз — эзгуликка хизмат қилишдир.

Зотан, ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни ўз қўли билан амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари улуғлайди.

**Ғулом МИРЗО, ЎзА мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН: БАНК ТИЗИМИ ВА ИСЛОҲОТ

### ЯНГИ СИФАТ БОСҚИЧИДА




Мустақиллик йилларида банк тизимини ривожлантириш иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлди. Шахсан муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қатор Фармон ва қарорлар асосида халқаро андазаларга мос замонавий банк тизими шакллантирилди. Иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми — пул-кредит сиёсатини юритишда бозор механизмларига ўтилди.

Буларнинг натижаси ўлароқ, ислоҳот йиллари давомида ялпи ички маҳсулот илк бор 7,7 фоизга ўсди. Иқтисодиётнинг деярли барча тармоқ ва соҳалари жадал ҳамда изчил ривожланиш йўлига кирди. Қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш туфайли биринчи марта инфляция даражаси энг паст – 3,7 фоиз бўлишига эришилди. Бу аҳолининг реал даромадлари ўсишига ҳам таъсир кўрсатиб, 2004 йилда кўрсаткич 15 фоизга ўсди.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **«2005 йилнинг I ярим йиллигида республиканi ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ҳамда мамлакатни ислоҳ қилиш бўйича янги стратегик вазифаларнинг амалга оширилиши учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъулиятини ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги тўғрисида»**ги мажлисида таъкидландики, республикамизда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланди ва ўтган йилнинг тегишли давридагига (6,2%) нисбатан 7,2%ни, инфляция даражаси эса (ушбу даврда) прогноз кўрсаткичга мувофиқ 3,3%ни ташкил этди.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришган дастлабки йиллардан бошлаб, Марказий банк ҳукумат билан биргаликда сифат жиҳатдан янги банк тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратди. Шу ўринда Президентимизнинг иқтисодиётнинг «қон томири» — банк тизимини шакллантириш ва уни ривожлантиришга алоҳида ғамхўрлик кўрсатганликларини айтиб ўтиш жоиз. Ўзбекистонда мустақилликдан олдин, 1990 йилдан бошлабоқ давлатимиз раҳбари миллий банк тизими тамал тошининг қўйилишига раҳнамолик қилдилар. Бугунги энг йирик банклар АТ «Пахтабанк», АТ «Ўзсаноатқурилишбанк», АТ «Туронбанк»ларнинг биринчи ворислари мустақилликдан олдинги йилларда айнан Юртбошимиз кўрсатмалари билан ташкил этилди.

Собиқ иттифоқ даврида банк тизими ниҳоят даражада марказлашган бўлиб, у СССР Давлат банки, Ташқи иқтисодий фаолият банки, Қурилиш банки ва Давлат Меҳнат жамғарма кассаларидан иборат эди. Республикаларда (мос равишда) уларнинг республика, вилоят ва туман бўлимлари фаолият кўрсатарди. Жойлардаги бўлимлари эса фақатгина техник характерга эга бўлиб, пул кўчириш ишларинигина бажарар, тизим ягона марказдан бошқарилиб, кредитлаш лимитлар асосида фақат марказ рухсати билангина амалга оширилarди. Банклар ўртасидаги рақобат эса мутлақо инкор этиларди.

Мустақилликнинг илк кезлариданоқ банк тизимини ислоҳ қилишнинг биринчи босқичида, яъни 1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг **«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»**ги Қонуни қабул қилиниши, республикамизда **икки поғонали банк тизими** яратилишининг дастлабки ҳуқуқий асоси бўлди. Қонунга кўра, эски Давлат банкининг республика идораси асосида мустақил Ўзбекистоннинг Марказий банки ташкил этилди ва унинг зиммасига пул муомаласини тартибга солиш, тижорат банклари тизимини шакллантириш, шунингдек, тўлов тизимини ташкил этиш вазифалари юкланди.

2-бет



## ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Бахмал туманида янги иш ўринлари яратиш борасида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими томонидан йил бошидан бери тадбиркорларга бир қатор имтиёзли кредитлар берилиб, жами 241 та янги иш ўринлари ташкил қилинди. Оқтош қишлоғидан Мукаррам Носирова, боғишамоллик Гулжаҳон Пардаеваларнинг тўқувчилик, тикувчилик, пазандачилик цехлари ҳамда «Гўзаллик салони» ҳам шундай кредитлар ҳисобига фаолият кўрсата бошлади.

— Маҳалламиздаги тадбиркор Мукаррам Носированинг «Маҳфуза» ишлаб чиқариш фирмаси ташкил этилганини эшитиб, шу ерга ишга кирдим, — дейди Калтатой қишлоғилик Шаҳноза Худойқулова. — Ҳозир бу ерда тўқувчилик, тикувчилик, зардўзлик ҳамда пазандачилик йўналишлари бўйича 20 нафар хотин-қиз меҳнат қилаяпмиз.

✧✧✧





**Суратларда:** тадбиркор Мукаррам Носирова шогирдлари Феруза Мусаева, Малика Алимбоевалар билан; «Гўзаллик салони» ходимаси Нафиса Ҳамидова; тикувчи Дилором Туронбоева.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ. Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.**

### Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

## ОНА ЮРТНИ АСРАЙЛИК!

Мустақилликни мустаҳкамлаш, миллатнинг порлоқ келажаги учун курашиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Зеро, тинчликсевар халқимизнинг эзгу мақсади ҳам шундай.

Истиқлолнинг 14 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда мамлакатимизнинг турли гўшаларида «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» шиори остида ёшлар форумлари ўтказилмоқда. Ана шундай форумлардан бири Сариосиё туманидаги «Тўпаланг» ўйингоҳида ҳам бўлиб ўтди. Минглаб ёшлар, ўқувчи, талаба ҳамда меҳмонлар иштирок этган тантанани туман ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Парда Мадиев кириш сўзи билан очди.

Мустақиллик, Истиқлол, Она-Ватан тараннум этилган ажиб наволардан сўнг, «Қалдирғоч» болалар боғчаси тарбияланувчилари гўзал рақслари билан йиғилганларни хушнуд этди.

— Андижонда бўлиб ўтган мудҳиш воқеалар юртдошларимизнинг ғазабини келтирди, — дейди форумда сўз олган Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев. — Тинч, осойишта кунларнинг қадрига етиш ҳар биримиз учун фарздир. Бу Ватанга хурсандчилик, тантана, тўй-томоша ярашади. Шундай экан, бунёдкорлик, яратувчанлик йўлида ёниб яшайлик.

Спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари, «Тўпаланг» жамоаси футболчиларининг маҳорати ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Қўрқмас, жасур ҳарбий йигитлар олқишланди. Эл севган санъаткорлар ижросидаги наволар кечага ўзгача файз киритди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Муносабат

## ХАЛҚ ИРОДАСИ ВА МАНФААТИ — ЭНГ ОЛИЙ ЮРИДИК АСОС

Сўнгги вақтларда матбуотда, шунингдек, жамоатчилик орасида АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига вақтинчалик фойдаланишга берилган Хонобод ҳарбий аэродроми масаласида кўплаб фикр-мулоҳазалар айтилмоқда.

Самолётларнинг учиб-қўниши аҳоли осойишталигини бузаётгани, атмосферага, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатаётгани, ҳарбий база ҳудудида қолган унумдор ерлар ташландиқ бўлиб қолаётгани, туман иқтисодиётига катта зиён етказилаётганига кўплаб мисоллар келтирилмоқда.

Қашқадарё вилояти аҳолиси Ўзбекистон Республикаси ҳукуматидан ҳарбий аэродромни ижарага бериш тўғрисидаги битимни бекор қилишни талаб қилмоқда. Шу ўринда ушбу талабнинг рўёбга чиқарилиши халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига қай даражада мувофиқ, деган савол туғилади.

1969 йилда қабул қилинган халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида Вена конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг 1995 йилда қабул қилган халқаро шартномалар тўғрисидаги қонунига кўра, ҳар бир давлат халқаро шартнома тузиш ва уни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Албатта, Ўзбекистон Республикаси АҚШ билан Хонобод ҳарбий аэродромини ижарага бериш тўғрисида битим тузганда ҳам Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатлари, дунёда тинчликни сақлаш, халқаро терроризм манбаларини тугатиш мақсадларидан келиб чиққанлиги маълум. Аввало, Афғонистонда толибонлар тузумини тугатишда ушбу ҳарбий аэродром жуда катта вазифани бажарганини эътироф этмоқ лозим. Бугунги кунда Афғонистон Республикасида Ўзбекистон учун ҳам, бошқа мамлакатлар учун ҳам хавфли таҳдид манбаи йўқ. Демак, АҚШ ҳарбий базасини бу ерда сақлашни давом эттириш зарурияти йўқолди. Мана шундай шароитда ушбу ижара шартномаси амал қилишининг давом этиши, биринчидан ўша минтақада яшовчи аҳоли манфаатларига зид келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2-моддасида давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар, деб кўрсатилади. Бошқа жиҳатдан олганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлат ҳарбий кучларининг доимий мавжудлиги Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги ва ташқи сиёсат асосларига ҳам унчалик мос эмас. Чунки, мамлакатимиз изчиллик ва собитқадамлик билан ҳарбий блокларга қўшилмаслик принципига амал қилмоқда.

Бинобарин, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Хонобод ҳарбий аэродромини АҚШга ижарага бериш ҳақидаги битимни бекор қилиш (ўзаро келишув асосида ёки бир томонлама) бўйича барча юридик асослар мавжуд. Қолаверса, халқ иродаси ва манфаати энг олий юридик асосдир.

**Омон ОҚЮЛОВ, Тошкент давлат юридик институти профессори, юридик фанлари доктори**

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

# ЎЗБЕКИСТОН:
# БАНК ТИЗИМИ ВА ИСЛОҲОТ
## ЯНГИ СИФАТ БОСҚИЧИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Иқтисодиётнинг турли соҳаларини молиялаштириш ва ўзаро тўловларни вақтида амалга ошириш эса ихтисослаштирилган тижорат банклари зиммасига юкланди. Шунга мувофиқ тижорат банклари ўзларининг ички таркибий бўлинмаларини қайта тузиш ва ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишга киришди. Зеро, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8 декабрдаги XI сессиясида сўзлаган нутқида **«Бозор иқтисодиётига асосланган жамият қурмоқчи эканмиз, бозор хизмат тармоқларини шакллантириш ва изчил ривожлантириш стратегик жиҳатдан устун йўналишдир. Ривожланган бозор иқтисодиётига хизмат қиладиган тармоқлар — тижорат банклари тармоғини, замонавий молия ва солиқ тизимини ривожлантирмай туриб, маърифатли бозор сари аниқ қадам ташлаш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Афсуски, бугун биз сиёсатимизнинг мана шу йўналиши энг заиф бўғин эканини эътироф этишга мажбурмиз»**, — деб таъкидлаб ўтгандилар.

Бу даврда пул муомаласи, банк ва молия тизими хўжалик юритиш ҳамда бошқариш механизмининг собиқ иттифоқ давридаги пассив бўғинидан — мамлакат, халқ, миллат фаровонлигининг муҳим ва айни пайтда зарурий фаол соҳасига айлантирилишига йўналтирилди. Чунки, Юртбошимиз XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида (1992 йил, 2-3 июль) сўзлаган нутқида айтган эдиларки: **«Хорижий дунё бозори билан, дунё банклари билан, тижоратчи фирмалар билан алоқа боғладик. Бу жуда нозик масала. Қайси давлат бизга қанча ва қандай шарт билан сармоя ва қарз беради? Қарз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдими? Бировдан қарз олиб, кейин унинг илмоғига тушиб қолмаймизми? Улар бизга тазйиқ ўтказмайдими? Олган қарз-кредитларимиз бўйнимизда оғир юк бўлиб қолиб кетмайдими?**

**Минглаб шундай саволларга жавоб излашга ва топишга тўғри келди.**

**Қарз олиш осон, бу ҳаммамизга маълум, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртамизни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз керак. Бугун биз хато қилиб қўйсак, фарзандларимиз келажакда қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу — катта гуноҳ бўлади»**.

Ҳали мустақилликка эришганимизга бир йил тўлмасдан туриб айтилган бу башоратнинг нечоғли ҳаққонийлигини, унда илгари сурилган ғоялар теран мушоҳадаларга бойлигини тараққиётимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичи яққол тасдиқлаб турибди. **Зеро, биз қарз ҳисобидан вақтинчалик муваффақиятга эришишдан воз кечиб, иқтисодиётнинг таркибан қайта қуриш ва уни жадал ривожлантиришни афзал кўрдик.** Айнан банк тизимида амалга оширилган ислоҳотларнинг биринчи босқичида пухта замонавий қонунчилик негизи шакллантирилди. Ислоҳотларнинг ўзига хос ва ўзига мос ҳуқуқий механизми ишлаб чиқилди. Қисқа давр ичида тизимни тартибга солишга доир қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг **«Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»**ги қонуни қабул қилинди.

Ислоҳотларнинг **иккинчи босқичи** миллий валюта муомалага киритилган ва икки поғонали банк тизимининг янги, кенгайтирилган ҳуқуқий асослари яратилган 1994-1996 йилларни ўз ичига олди. Бу босқичда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 июлдаги **«Ўзбекистон Республикаси банк тизими ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги 362-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон тижорат банкларига ҳали жаҳон тажрибасида бирор-бир давлат банк тизимида бўлмаган имтиёз, яъни солиқларнинг беш туридан озод бўлиш имтиёзи берилди.

Мамлакатимиз ривожланишининг ўзига хослигини намоён қилишда миллий валютамиз муҳим роль ўйнаши алоҳида инобатга олинди ва масалани Президентимиз умуммиллий вазифа сифатида таъкидлаб, аҳамиятини қуйидагича таърифлади: **«Бугунги энг муҳим вазифа — валютамизни бақувват, дунёда обрўли валютага айлантиришдир. У юксак қийматга ва катта кучга эга бўлиши лозим. Сўмнинг барқарорлигини таъминлаш ва қадрини ошириш — умуммиллий вазифа»**.

Миллий валюта муомалага киритилиши билан Марказий банк мустақил пул-кредит сиёсатини олиб бориш ва унинг барча воситаларидан самарали фойдаланиш имконига эга бўлди. Пул-кредит сиёсати биринчи навбатда инфляцияни жиловлаш ва уни кескин тушириш ҳамда ишлаб чиқариш пасайишининг олдини олиш асосида макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлашга қулай шарт-шароитлар яратиш ва иқтисодиётдаги тўлов тизимини кучайтиришга йўналтирилди.

Натижада, муомаладаги пул массасининг ўсиш суръатлари сезиларли даражада камайди. Бу эса, инфляция даражаси ва фоиз ставкаларининг пасайишига ҳамда макроиқтисодий барқарорлик таъминланишига замин яратди. Чунончи, ўртача ойлик инфляция суръати 1994 йилдаги 30 фоиздан 1996 йилда 4,2 фоизгача қисқарди, яъни республикамизда 1996 йилдаёқ МДҲ мамлакатлари ичида биринчилар қатори ЯИМнинг пасайиш тенденциясига чек қўйилди ва ўша йил унинг реал ўсиш суръати 1,6 фоизни ташкил этди.

Эсингизда бўлса, ўшанда кўплаб халқаро нуфузли ташкилотлар, масалан, «PlanEcon» номли халқаро ташкилот собиқ иттифоқ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб, Ўзбекистон ва Эстония ўтиш даврида олдинги ишлаб чиқариш даражасига эришганлигини эътироф этдилар.

1995 йил 21 декабрда **«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»**ги ва 1996 йил 25 апрелда **«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»**ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши икки босқичли банк тизимининг ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлашга, банклар фаолиятини халқаро андазалар даражасида такомиллаштириб, банк тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириб боришга асос бўлди. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳисобга олиниб яратилган мазкур қонунлар кейинчалик Халқаро Валюта жамғармаси ва Жаҳон банки экспертлари томонидан ижобий баҳоланди.

Банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг **учинчи босқичи** — банк тизимига хусусий капитал кириб келиши, банкларда корпоратив бошқарув сифатини ошириш ва банкларнинг назорат қилиш тизимини янада кучайтириш билан боғлиқ тадбирларни ўз ичига олди.

Банк тизимига хусусий капитални жалб этиш билан бирга, банкларда корпоратив бошқарув тизимини янада мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларга ҳам катта аҳамият берилди. Жумладан, 1998 йил октябрида Президентимизнинг **«Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони бу чораларнинг яна кучайтирилишига кенг имкон берди. Зеро, авваллари акциядорларнинг банкни бошқаришдаги роли имкон қадар камайтирилганди. Ўзбекистон Республикасининг **«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунида банк Кенгашларига «банк фаолияти устидан назоратни, жумладан, омонатчилар ва акциядорлар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида тўғри кредитлаш ва маблағларни инвестиция қилиш устидан назоратни амалга ошириш» жавобгарлиги юклатилганлигига қарамасдан, акциядорлар манфаатини кўзлашга ваколатли бўлган банк Кенгашлари ўз мажбуриятларига расмий ва юзаки муносабатда бўлиб келишарди.**

Таъкидлаб ўтиш керак, бозор иқтисодиётида банк назорати режали иқтисодиётга хос назорат ва тафтиш тизимидан тубдан фарқ қилади. Шу муносабат билан Марказий банк олдига тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш вазифаси қўйилди. Халқаро андозаларга мос келувчи замонавий банк назорати ва банклар фаолиятини тартибга солиш механизми вужудга келтирилди.

Банк тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 104-сонли қарори билан **«2000-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш Дастури»** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Республика банк кенгашини тузиш тўғрисида»**ги 2002 йил 15 ноябрдаги ПФ-3162-сонли Фармони асосида тузилган Республика банк Кенгаши тизимни ислоҳ қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур босқичда банклар фаолиятини эркинлаштириш йўли орқали аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада оширишга эришилди. Бу эса, аҳолининг вақтинча бўш пул маблағларини банк амалиётига жалб этиб, банк тизимининг реал ишлаб чиқариш соҳаларини кредитлаш имконини кенгайтирди. Натижада, тижорат банклари корхоналарнинг чинакам ҳамкорига айланди. Улар ўз ресурсларини фойдали лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтириб, мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юқорироқ суръат билан ривожланишига хизмат қила бошлади. Эътироф этмоқ керак, инвестиция лойиҳалари ва давлат бюджети тақчиллигини Марказий банк кредитлари ҳисобидан молиялаштириш амалиётига чек қўйилди. Бу — пул агрегатлари устидан самарали назорат ўрнатилишига, пул бозорида Марказий банк томонидан амалга ошириладиган операцияларни ривожлантиришга ва пул-кредит сиёсатининг бозор механизмларидан кенг даражада фойдаланишга ҳамда ўзгарувчан фоиз ставкаларини амалиётда кенг қўллашга имкон яратди.

Шу билан бирга, Марказий банк облигациялари муомалага чиқарилди ва тижорат банкларининг бўш пул маблағларини Марказий банкнинг депозит сертификатларига ҳамда махсус депозитларига жалб қилиш бўйича операциялар кўлами кенгайтирилди.

Сўнгги йилларда инфляция суръатларининг сезиларли даражада пасайгани, ўз навбатида, Марказий банкка қайта молиялаш ставкаси йиллик ҳисобда 30 фоиздан 16 фоизгача босқичма-босқич камайиши учун шароит яратди. Бу ҳолат ўз навбатида, тижорат банкларининг депозит ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларига таъсир кўрсатиб, натижада, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини тижорат банкларидан узоқ муддатли кредитлар олишига, шунга мос равишда иқтисодиётнинг реал тармоқларига ажратиладиган кредитлар ҳажмининг сезиларли даражада ошишига ҳамда иш ҳақи ва аҳоли даромадларининг ўсишига замин яратди.

Мамлакатимизда валюта сиёсатини эркинлаштириш жараёнини қанчалик оқилона ташкил этганлигимизни англаш учун жаҳон тажрибасига эътибор беринг: Буюк Британия ва Франция давлатлари Халқаро валюта жамғармасига 1945 йилнинг 27 декабрида аъзо бўлган бўлсалар ҳам ўзаро келишувнинг VIII моддасини фақат 1961 йилнинг 15 февралидан бажаришга киришганлар. Греция ва Хитой эса 1996 йилнинг 1 декабридан амал қила бошлади. Бизнинг республикамиз Халқаро валюта фондига 1992 йилнинг 21 сентябрида аъзо бўлиб, 2003 йилнинг 15 октябридан Низомнинг VIII моддаси талабларини қабул қилди. Агар миллий валютамизнинг 1994 йил муомалага киритилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак биз қисқа муддатларда, яъни 9 йил мобайнида унинг жорий амалиётлар бўйича конвертациясини татбиқ этишга эришдик.

Тарихга назар ташланг, айнан мана шу 9 йил ичида республикамиз равнақи учун доимий хизмат қилувчи соҳаларни шакллантиришга қаратилган қатъий валюта сиёсати амалга оширилди ҳамда республикамизда барқарор иқтисодий ўсишга, валюта маблағларининг доимий тушуми манбаларига ва етарли даражада валюта заҳираларини шакллантириш орқали миллий валютамизнинг харид қувватини ҳеч қандай четдан олинадиган қарз маблағларисиз сақлаб туришга замин яратилди.

Мустақиллигимизнинг биринчи йилларидан бошлаб, мамлакатимиз раҳбарияти келажакда республика иқтисодиётининг эркин ривожланиши учун пойдевор яратишга катта эътибор қаратди. Аниқроқ айтганда, тақчил валюта маблағлари давлат тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга молик соҳаларга, энг аввало, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқларга йўналтирилди.

Шу билан бирга, мавжуд табиий бойликлардан унумли фойдаланиш, асосий эътиборни жаҳон андазаларига мос сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратиш орқали эркин конвертацияланадиган валютани ўз кучимиз билан топишга эришолдик. Масалан, нефть маҳсулотлари таъминоти масаласини олиб кўрайлик. 1996 йилда жаҳон бозорида 1 баррель (159 литр) нефтнинг нархи 15-20 АҚШ долларини ташкил этар эди. Охирги ойларда 1 баррель нефтнинг баҳоси 60 доллардан ҳам ошиб кетиши қайд этилди. Агар ҳукуматимиз томонидан ўз вақтида Бухорода янги нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши, Фарғонада эса мавжуд нефтни қайта ишлаш заводининг қайта таъмирланиши амалга оширилмаганда, бугунги кунда республикамиз ушбу нархларда нефть сотиб олиш учун катта миқдордаги валюта заҳираларимизни сарфлашга мажбур бўларди.

Шунингдек, 90-йилларнинг бошида республикамизда ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари импорти учун ҳар йили ўртача 900 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ сарф қилинарди. Ваҳоланки, буғдойни ўзимизда ҳам етиштириш имконияти мавжуд эди. Шу боис ғалла экинлари экиладиган майдонлар кескин кўпайтирилди. Деҳқон-фермер ва шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш учун ер участкалари ажратилганлиги туфайли мамлакатимизда ғалла, картошка, мева, сабзавот, гўшт ва сут каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш сезиларли даражада ошди. Натижада, ҳозирги кунга келиб, озиқ-овқат маҳсулотлари импортини қарийб 3 баравар камайтиришга эришилди. Биргина мана шу соҳаларда амалга оширилган чора-тадбирлар республикамизда ҳар йили 1,5-2,0 млрд. АҚШ доллари атрофидаги валюта маблағларини тежаш имконини бермоқда.

Ўз навбатида тежалган ушбу валюта маблағлари кўплаб янги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилаяпти. Натижада юзлаб янги корхоналар қурилиб, ишга туширилди, мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари қайта жиҳозланди. Пировардида, Ўзбекистон учун мутлақо янги бўлган саноат тармоқларига асос солинди. Бундай маҳаллий ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг яратилиши экспорт салоҳиятининг ортиши ва истеъмол бозорининг ички ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдирилиши олтин-валюта резервлари ҳажмини сезиларли даражада ошириш ва уни ўрнатилган халқаро меъёрлардан анча юқори даражада ушлаб туриш имконини берди. Хусусан, 2004 йилда олтин-валюта заҳиралари ва экспорт ҳажми мутаносиб равишда 30 фоиздан ўсиши ҳисобига ташқи савдо баланси ижобий қолдиғи 1 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Қабул қилинган тегишли қонуний ва меъёрий ҳужжатлар, ўз навбатида, валюта бозори ҳамда нақд валюта бозоридаги операциялар бўйича 30 га яқин чекловларни бекор қилиш имконини ҳам берди.

Валюта бозорини эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар доирасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган янги таҳрирдаги **«Валютани тартибга солиш тўғрисида»**ги қонуни қабул қилинди. Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар ҳамда чет эл валютасини харид қилиш ва сотишга доир операциялар ўтказиш тартибининг сезиларли даражада соддалаштирилиши — барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг шарт-шароитлар яратди.

Банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг **тўртинчи босқичида** қўлга киритилган яна бир ютуқ, бу ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар асосида мамлакат иқтисодиётининг муҳим соҳаларидан бири — қишлоқ хўжалигини, хусусан, фермер хўжаликларини имтиёзли кредитлаш орқали қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар бўлди. 2003 йил 27 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»**ги Фармони, 2002 йил 7 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг «**Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»** ва 2003 йил 30 октябрда **«2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорлари қабул қилинди. Уларга мувофиқ Марказий банк қишлоқ хўжалигини, айниқса фермерлар фаолиятини молиявий таъминлашни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Дастлаб (2003 йилда) республиканинг тўртта вилоятида ва 2004 йилдан бошлаб қўшимча яна тўртта вилоятда фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хомашёси ва ғалла етиштириш харажатларини уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш механизмига ўтилди.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредитлар бериш ва уларнинг ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиблари ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилди. Бу эса, тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини кредитлашнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаган бўлса, фермер хўжаликларига эса бўлғуси ҳосилларини гаровга қўйган ҳолда эрта баҳорда сувдек зарур бўлган молиявий маблағлар олишларига имкон яратди. Натижада 2004 йилда республикамиз фермер хўжаликларига давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси етиштириш учун 65,5 млрд. сўм ва давлат буюртмаси учун ғалла етиштиришга 4,0 млрд. сўмлик кредитлар берилдики, улар томонидан 2 375 минг тонна пахта ва 614,2 тонна ғалла давлатга топширилди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятининг дастлабки даврида кредитларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда тижорат банкларига муқобил равишда нобанк молия институтларининг ҳам ўрни ортиб бормоқда. Шу мақсадда Марказий банк томонидан Осиё тараққиёт банки ва Кредит уюшмаларининг бутунжаҳон кенгаши экспертлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган **«Кредит уюшмалари тўғрисида»**ги қонун лойиҳаси 2002 йилнинг апрель ойида Олий Мажлиснинг VIII сессиясида қабул қилинди. Ушбу қонун республикамизда кредит уюшмаларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб ҳисобланди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2005 йил 1 июль ҳолатига кўра, республикамизда фаолият кўрсатаётган кредит уюшмалари сони 20 тага етди.

Шунингдек, қишлоқ жойларидаги аҳолига, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларига банк хизматларини кўрсатишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида, банклар томонидан ташкил этилаётган минибанклар сони 2005 йилнинг бошига нисбатан 268 тага кўпайди ва жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, уларнинг умумий сони 1390 тани ташкил этди.

Банкларнинг кредит амалиётлари ва бошқа фаолият турларини рағбатлантириш билан бир қаторда Марказий банк томонидан ушбу жараёнлардаги хатарларни бошқаришнинг самарали тизимини яратишга катта эътибор қаратилди. Қарздорлар тўғрисида банклараро маълумотлар базасини яратиш ҳамда қарздорлар тўғрисида ахборот базасини яратиш орқали кредит бозорини такомиллаштириш мақсадида Марказий банк томонидан тайёрланган таклифлар асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги 197-сонли **«Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан Марказий банкда Кредит ахбороти миллий институти ташкил этилди. Ушбу тадбир қарздорларнинг кредит тарихига оид ахборот тизимини яратиш ва тижорат банклари фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган хатарларни самарали бошқариш йўлида муҳим қадам бўлди.

Шунингдек, аҳолига банк хизматлари кўрсатишнинг янги турларини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги **«Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорининг қабул қилиниши бу борада қатор янги вазифаларни белгилаб берди. Мазкур қарорга кўра савдо, овқатланиш ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида терминаллар ўрнатиш, банкоматлар тармоғини кенгайтириш, ягона умумреспублика процессинг марказини ташкил этиш орқали ҳисоб-китобларда пластик карталар аҳамиятини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Аҳолининг янги банк хизматига бўлган ишончи сўнгги вақтларда ошиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Масалан, 2005 йилнинг биринчи ярмида банклар томонидан муомалага киритилган пластик карточкалар сони 3 бробарга яқин, уларга хизмат кўрсатиш шохобчалари сони 2,8 мартага, мазкур тўлов воситаси орқали амалга оширилган операциялар ҳажми эса 1,7 бробарга ошди.

Республикамиз раҳбарияти томонидан аҳолини иқтисодий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2004 йилнинг 2 декабрида Ўзбекистон Республикасининг **«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»**ги қонуни қабул қилинди. Қонун ижросини таъминлаш юзасидан банк тизимига муҳим вазифалар юклатилди. Жумладан, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига қатнашувчи фуқаролар ҳисоб-варағини очиш ва уларга хизмат кўрсатиш Республика Халқ банки зиммасига юклатилди. Бу бежиз эмас: Халқ банки республикамизнинг йирик молиявий муассасаларидан бири ҳисобланиб, аҳолига банк хизматлари кўрсатиш борасида катта тажриба тўплаган ҳамда унинг филиал ва шохобчалари республиканинг деярли барча шаҳар, туман ва қишлоқларида фаолият юритмоқда. Бу эса аҳоли билан ишлашда катта аҳамият касб этади.

Банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш тадрижий давом этмоқда экан, тизимда қўлга киритилган ютуқлар кўзгуси сифатида муҳтарам Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қайд этган қуйидаги фикрларини келтириш ўринли, деб ўйлайман: **«Ўтган йилнинг декабрь ойида Ўзбекистонда бўлган Халқаро валюта фонди миссияси 2004 йилда мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга юқори баҳо берди. Хусусан, миссия ўз меморандумида 2004 йил Ўзбекистон учун туб иқтисодий ўзгаришлар жараёнининг муҳим бурилиш даври бўлганини қайд этди. ... Халқаро валюта фонди миссияси Ўзбекистон ҳукуматининг макроиқтисодий дастури ва 2005 йилда амалга ошириш мўлжалланган таркибий ислоҳотларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини баён этди».**

Банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг келажак вазифалари янада кўламли. Тизимдаги ислоҳотлар ҳозир сифат жиҳатдан янги босқичда турибди, десак муболаға бўлмайди.

Кўпчилик мамлакатлар банк тизимининг бугунги кундаги асосий заиф томони — уларда банк капиталининг етарли даражада бўлмаслиги ёки тўғрироқ айтадиган бўлсак, банкларнинг капиталлашуви даражаси халқаро банк тизимига нисбатан жуда паст даражада бўлишидир. Бундай ҳолат эса, мамлакат банк тизимининг халқаро молия бозорига кириб боришига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилади. Шундай вазиятнинг олдини олиш мақсадида Президентимиз тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлаш учун 2007 йилнинг 1 январига қадар янги ташкил этиладиган:

— тижорат банклари учун — сўм эквивалентидаги ҳозирги вақтда 2,5 миллион АҚШ доллари бўлган устав капиталининг минимал миқдорини босқичма-босқич ошириб бориб, 5 миллион АҚШ долларигача;

— хусусий банклар учун — сўм эквивалентидаги ҳозирги вақтда 1,250 миллион АҚШ доллари бўлган устав капиталининг минимал миқдори 2,5 миллион АҚШ долларигача етказишни кўрсатиб бердилар.

Бундай тадбирнинг амалга оширилиши, яъни банк капиталининг минимал миқдори оширилиши, шубҳасиз, **биринчидан, иқтисодиётнинг молиявий ресурсларга бўлган талабини янада кенгроқ қондириш имконини берса, иккинчидан, уларнинг халқаро молия бозорида рақобатбардошлигини оширади.**

Банкдан ташқари нақд пул айланмасини тубдан қисқартириш — ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири. Бугун банклар томонидан корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларидаги мавжуд пул маблағлари қонунчиликда белгиланган тартибда биринчи талабга биноан нақд пул қилиб берилмоқда. Аммо, берилган нақд пул маблағларининг маълум қисми ўз вақтида ва тўла ҳажмда қайтариб банк кассаларига топширилмаяпти. Бундай ҳолатнинг давом этиши ўз навбатида банк тизимининг самарали фаолият кўрсатишига, пул муомаласини оқилона ташкил этишга тўсқинлик қилади ҳамда инфляция жараёнлари жадаллашувига олиб келиши мумкин.

Бунинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йил 15 апрелда **«Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги 57-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда банкдан ташқари нақд пул айланмасини тубдан қисқартириш ва банкларга бўш пул маблағларини жалб қилиш давлат ҳокимияти органлари, тегишли вазирликлар, идоралар ва назорат қилувчи ташкилотлар, шунингдек, барча банк муассасалари фаолиятининг муҳим асосий йўналишлари эканлиги белгилаб қўйилди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банкда ишчи гуруҳи ташкил этилди ва унинг иш режаси тасдиқланди. Унга асосан нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш учун жисмоний ва юридик шахсларга банк хизмати турларини кенгайтириш, банклардаги жамғармаларнинг жозибадорлигини ошириш, депозит сертификатлари чиқариш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, савдо корхоналарини пластик карточкалар ёрдамида электрон тўловларни қабул қилиш бўйича ягона банк тармоғига бирлаштирилган ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозлаш, шунингдек, аҳоли томонидан истеъмол кредитларини олишнинг соддароқ механизмини кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг **«Истеъмол кредитлари тўғрисида»**ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш каби кўплаб вазифаларни амалга ошириш белгилаб олинди.

Банк тизимининг сифат жиҳатдан янги босқичида мамлакатимиз Президенти томонидан аҳолининг шинам уй-жойларга бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, республиканинг кичик шаҳар ва қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини жадал ривожлантириш, уй-жой қурилиши учун имтиёзли ва узоқ муддатли кредит бериш тизимини кенг жорий этишни рағбатлантириш мақсадида қабул қилинган **«Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори банк тизими орқали аҳолини кучли иқтисодий-ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Шунингдек, мазкур қарор мамлакат банк тизимида туб ўзгариш, яъни банкларнинг аҳоли билан яқиндан ҳамкорлигини оширишга яна бир бор қулайлик берди. Чунки, банклар орқали аҳолининг яшаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган шинам турар жой билан тўлиқ таъминланиши, уларнинг соғлом ва фаровон ҳаёт кечиришларига хизмат қилади.

Фермер ва ширкат хўжаликларини имтиёзли кредитлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда жорий йилнинг бошида амалга киритилган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини кредитлаш тартиби тўғрисида Низом ва унга кейинчалик киритилган қўшимча ҳамда ўзгартиришларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши харажатларини бўнаклашдан — тижорат банклари орқали кредитлаш тизимига тўлиқ ўтилиши таъминланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Олинган кредитлардан фойдаланишда ишлаб чиқарувчиларнинг эркинликлари янада кенгайтирилганлиги ҳам айни муддао бўлди.

Ўтган 2004 йилда имтиёзли кредитлар фақат фермер ва деҳқон хўжаликларига берилган бўлса, 2005 йил ҳосилидан бошлаб бундай кредитларни давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи барча қишлоқ хўжалиги корхоналарига бериш амалиёти жорий этилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналарига ишлатилмаган кредит ресурсларини ўзлари тасдиқлаган бизнес-режага мувофиқ ғалла ва пахта етиштириш билан боғлиқ бошқа рухсат этилган харажат турлари бўйича ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олишга, ички хўжалик ирригация ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалашга ишлатиш ҳуқуқи берилди.

Кредитдан фойдаланганлик учун қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан тўланадиган ҳақ ўтган йили йиллик 5 фоизга тенг бўлган бўлса, янги тартибга мувофиқ ушбу миқдор 2 фоизга пасайтирилиб 3 фоизни ташкил этди.

Кредитлар қайтарилмаслигининг таъминоти бўлиб, банклар томонидан ўзининг кредит таваккалчилиги суғуртаси хизмат қилмоқда ва амалда қишлоқ хўжалиги корхоналари ушбу турдаги кредит олишда таъминот тақдим этишдан озод қилиндилар. Шунингдек, кредит олиш учун мижозлар томонидан банкка тақдим этиладиган ҳужжатлар сони қисқартирилди, хусусан, энди улар ушбу кредитларни олишда банкка бухгалтерия балансларини топширмайдилар. Кўрилган ушбу чора-тадбирлар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кредит олиш жараёнларини соддалаштириб, ишлаб чиқариш харажатларининг вақтида молияланиши ҳамда агротехника тадбирларининг муддатида, сифатли бажарилиши ва мўл ҳосил тўплашлари учун замин яратади.

Шу ўринда Юртбошимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти — охир-оқибатда кадрлар ва яна кадрлар масаласига боғлиқ, деган сўзларини эътироф этмоқчиман. Бу борада Банк-молия академияси зиммасига халқаро андазаларга жавоб берадиган юқори малакали инвестиция кредитлари бериш ва уларга хизмат кўрсатиш масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар тайёрлашдек масъулиятли вазифа юкланган. Бугунги кунда мазкур академияда Марказий банк ёрдами билан «Лойиҳаларни молиялаштириш» факультети ташкил этилиб, янги ўқув йилидан тингловчилар қабул қилинишига барча услубий дастурлар тайёрлаб қўйилди. Шунингдек, академияда банк ва молия соҳасида меҳнат қилувчи раҳбар ходимлар малакасини ошириш, молия-кредит тизимини ривожлантиришга қаратилган назарий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш ишлари ҳам йўлга қўйилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз раҳбариятининг бевосита кўмаги остида банк тизимида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар шунчалик кенг кўламлики, уларнинг ҳаммасини мазкур мақолада қамраб олишнинг иложи йўқ. Мухтасаргина қилиб, Президентимиз таъбири билан айтганда: **«Республикада бутунлай янги банк тизимининг вужудга келтирилиши мустақил пул-кредит сиёсати юритиш имконини яратди. Республикамизда икки босқичли банк тизимининг ташкил этилиши иқтисодий мустақилликка эришиш ҳамда бозор муносабатларига ўтиш эҳтиёжларига мос келади».**

***Файзулла МУЛЛАЖОНОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси.***

